




(1488 й. в.э.) - Марв хоками Санжар Мирзонинг кизи, Бадиъуззамон Мирзонинг онаси. Султон Хусайн Марвга келганида (1457 й.) Бекасултон Бегимга уйланган. Лекин орадан кўп ўтмай кайнота-куёвнинг ораси бузилиб, Султон Хусайн Марвни тарк этган.

1458 й. Султон Абусаъид Санжар Мирзони катл қилган. Ўша вақтда отасиникида бўлган Бекасултон Бегим хибсга олиниб, зиндонга солинган. Астрободни эгаллаган Султон Хусайн Султон Абусаъиднинг ҳокимиятини тан олиб, унинг номига хутба ўқитган. Бунга жавобан Султон Абусаъид Бекасултон Бегимни озод қилиб, Астрободга жўнатган (1459 й.)

Султон Хусайн Хуросон тахтига ўтиргандан кейин Бекасултон Бегим билан ажрашган: “Кўп қажхулқ эди. Султон Хусайн Мирзони кўп огритур эди. Қажхулқлигининг Мирзо батанг келди, охир қўйди ва ҳалос бўлди, не қилсун, Ҳақ Мирзо жониби (тарафида) эди”. Бобур шу муносабат билан Саъдий Шерозийнинг “Ғулистон” асаридан “Яхши кишининг уйида ёмон хотин унинг бу дунёдаги дўзахидир” мазмунидаги байтни келтиради (“Б.”, 169а).

"Бобур Энциклопедияси" китобидан